

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

УДК: 930.9

ҚОРА ТОТОР ВА ИРОҚЛИКЛАРНИНГ МОВАРОУННАХРДАН КЎЧИШИ ҲАМДА УНГА  
ТАЪСИР ҚИЛГАН ОМИЛЛАР

ПЕРЕСЕЛЕНИЕ КАРАТАТАР И ИРАКЦЕВ ИЗ МАВЕРАННАХРА И ФАКТОРЫ,  
ПОВЛИЯВШИЕ НА ЭТОТ ПРОЦЕСС

THE MIGRATION OF BLACK TATARS AND IRAQUIS FROM MOVAROUNNAHR AND  
THE FACTORS INFLUENCED ON IT

Л.Бегимкулова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Л.Бегимкулова

– ФарДУ мустақил изланувчиси.

**Аннотация**

Мақолада Амир Темур томонидан Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий чегараларига кўчириб келтирилган қора тоторлар ва ироқликларнинг 1405-1407 йилларда ўз юртларига кўчиши, ушбу жараённинг уч босқичда амалга ошганлиги ҳамда уларнинг кўчишига таъсир қилган омиллар тарихий манбалар асосида таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье на основе исторических источников проанализировано переселение в 1405-1407 годах карататар и иракцев на исконные земли, переселенных Амиром Темуrom к северо-восточным границам Мавераннахра, происходившее в три этапа, а также факторы, повлиявшие на данный процесс.

**Annotation**

The article analyzes the migration of Kara Tatars and Iraqis to their homeland in 1405-1407, who were resettled by Amir Temur to the northeastern borders of Movarounnahr, the process took place in three stages and the factors influencing their migration on the basis of historical sources.

**Таянч сўз ва иборалар:** қора тоторлар, рум тоторлари, ироқликлар, Амир Темур, Халил Султон, Мовароуннахр, Мўғулистон, Хуросон, Хоразм.

**Ключевые слова и выражения:** карататары, румские татары, иракцы, Амир Темур, Халил Султан, Мавераннахр, Моголистан, Хорасан, Хорезм.

**Keywords and expressions:** Black Tatars, Greek Tatars, Iraqis, Amir Temur, Khalil Sultan, Movarounnahr, Mongolia, Khorasan, Khorezm.

Қора тотор қабилалари ва ироқликлар Амир Темур томонидан Кичик Осиё шарқий ва Ироқнинг шимолий ҳудудлари ҳамда Ғарбий Эрондан Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий чегараларига кўчириб келтирилган эди. Амир Темур қора тоторларни Хитой юриши давомида Мўғулистонга жойлаштиришни мақсад қилган эди [1: 271; 2: 354-355; 3: 162-163; 4: 286-291]. Улар Хитой сари отланган темурийлар лашкарининг Халил Султон раҳбарлигидаги ҳарбий қисмлари сафида эдилар. Шунинг учун ҳам Амир Темур вафот этгач, темурий шахзодалар ўртасида бошланиб кетган ҳокимият учун курашда қора тоторлар Халил Султонни қўллаб-қувватладилар.

Халил Султоннинг давлатчилик фаолиятига катта салбий таъсир ўтказган воқеалардан бири Рум тоторларининг Мовароуннахрдан ўз юртларига кўчиши бўлиб, ушбу масала тарихшунослигимизда етарлича ўрганилмаган [5;6;7]. Манбаларда кўчувчилар

турли номлар билан аталган. Ибн Арабшоҳ томонидан Рум тоторлари [8: 44], Абдураззоқ Самарқандий томонидан қора тоторлар [9: 86], шунингдек, кўп ҳолларда уларнинг бир қисми Ироқнинг шимолий ҳудудларидан кўчирилган аҳоли сифатида ироқликлар номлари билан аталган. Шунингдек, манбаларда бу қавмларнинг кўчиш вақти ҳам турли хил берилган. Абдураззоқ Самарқандий томонидан ҳикоя қилинган воқеалар таҳлили қора тоторларнинг кўчиши 1405 йилнинг июль-октябрь ойлари оралигида юз берганлигини кўрсатади [9: 86-86]. Ибн Арабшоҳ эса уларнинг кўчиш вақти ҳақида икки хил маълумот берган. У дастлабки кўчиш 1406 йили содир бўлганлигини таъкидлаган: "...шаввол (ойи)нинг бошлари (22 март, 1406 йил) душанба кечаси ироқликлардан бошлиқлари ботирлар ўз хотин-халажлари ва тобелари, болалари ва гуруҳлари билан (Самарқанддан) чиқдилар. Бошчилари Ҳожи Пошша деб аталадиган киши бўлиб, улар амри

остида у қандай хоҳласа шундай юрардилар. Улар (ироқликлар) савлатли ва жавлон урадиган (одамлар) бўлиб, Султон Аҳмад Боғдодийнинг пушти камаридан бўлган Султон Алоуддавла уларга ҳамроҳ эди. У Темур асоратига тушган бўлиб, Темур уни ўз офати-ю кулфати ҳибсига солган эди. Сўнгра Халил Султон уни озод этиб, ўз хузурида мартаба-ю маконга эга қилганди. Қачонки одамлар (рамазон) ҳайити ишлари билан машғул бўлиб турганларида ушбу ботирлар (Халил Султонга итоатдан) қўлларини тортдилар: афтидан улар ораларида олдиндан бу хусусда иттифоқ воқеъ бўлган. ...Улар Жайхунни кечиб ўтиб. Хуросонга етиб келдилар” [8: 38-39]. Шунингдек, ибн Арабшоҳ уларнинг кейинги кўчиши борасида ҳам сўз юритган: “Шу (1407) йил Рум тоторлари бош кўтариб, азму қорар билан оёқда Хоразм томондан музлаган Жайхунни кечиб ўтдилар ва ўз ерлари томон йўл олдилар. Шунда уларни тўзғитиб, қирғин солган кишилар ҳар томондан мутасадди бўлдилар. Натижада, Ироқ аскарлари ўртасида ҳосил бўлган ноиттифоқчилик улар ўртасида ҳам ҳосил бўлди” [8: 44]. Манбалардаги маълумотлардан кўринадики, булар бир вақтдаги кўчиш эмас, муаллифлар бошқа-бошқа кўчиш ҳақида сўз юритишмоқда. Абдураззоқ Самарқандий кўчиш борасида бир бора сўз юритган ва унинг воқеалари қисман ибн Арабшоҳ ҳикоя қилган биринчи юришга яқин. Ҳар иккисида ҳам кўчувчилар Хуросон орқали кетишган. Лекин уларнинг вақтлари бир бирига тўғри келмайди. Шунини эътиборга олиш керакки, ўз юртларига қайтувчиларнинг барчаси Хуросонга тегишли турли ҳудудлардан, жумладан, Хоразм орқали кетганлар ҳам Мозандарондан ўтишга мажбур эди. Сабаби, бошқа йўл бўлмаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қора тоторлар ва ироқликларнинг кўчиши бир неча босқичда амалга ошган. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, аслида Мўғулистон чегараларига кўчирилган ушбу қавмлар 1405 йилнинг апрелидаёқ жанубга силжиб, уларнинг бир қисми амир Худойдод Хусайний, катта қисми эса Халил Султон хизматига кирган эди [8: 19-20]. Лекин кўп ўтмай, уларнинг бир қисми 1405 йилнинг ёзида Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга қарор қилган. Айнан шу кўчиш Абдураззоқ Самарқандий томонидан ҳикоя қилинган. Қолган қисми эса Халил Султон томонидан инъом этилаётган беҳисоб инъомлар сабабли бўлса керак, унинг хизматида қолган. 1406 йили Насаф ёнида бўлиб ўтган жангда ҳам Халил Султон қўшинининг бир қисмини айнан

қора тоторлар ташкил этган бўлиб, манбаларда улар “Ироқ баҳодирлари” номи билан аталган [9: 89].

Уларнинг иккинчи кўчиши эса 1406 йилнинг март ойидан бошланган. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашига кўра, ироқликлар Халил Султонга хизмат қилишдан бош тортиб, ўзаро уюшган ҳолда кўчиш учун яширин тайёргарлик ҳам кўрганлар. Абдураззоқ Самарқандий ушбу кўчиш ҳақида сўз юритмаган. Фақат ибн Арабшоҳ 1406 йилнинг март ойида Самарқандни тарк этганлигини таъкидлаган Султон Алоуддавлани Бағдод шахрига 1407 йилнинг май ойида етиб борганлигини қайд этган [9: 135, 553].

Хорижликларнинг учинчи кўчиши эса 1407 йилнинг бошларига, қиш фаслига тўғри келади. Кўчишнинг жуда ноқулай бўлган қишда амалга ошганлиги, унинг жиддий сабаб натижасида юз берганлигини кўрсатади. Бу сафар кўчаётганларни Халил Султоннинг ўзи таъқиб этганлиги ҳам эътиборни тортади.

Қора тоторлар ва ироқликларнинг ўз юртлари томон кўчишларига таъсир кўрсатган омиллар сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

Биринчидан, улар ўз юртларига, туғилиб ўсган маконларига қайтиб бориш истагининг устунлиги бунга сабаб бўлган дастлабки омилдир. Амир Темур вафоти натижасида бошланган ўзаро низолар ва бошбошдоқлик, марказий ҳокимиятнинг кучсизланиши эса кўчишнинг бошланишига шароит яратиб берган.

Иккинчидан, Халил Султоннинг давлат бошқарувида йўл қўйган хатолари ҳам бунга сабаб бўлди. Халил Султоннинг тахтга чиқишига, унинг ҳокимиятнинг мустақамланишига хизмат қилган кишиларнинг кейинчалик эътибордан четда қолиши ироқликларни Халил Султондан узоқлаштирган омиллардан бири эди.

Учинчидан, Халил Султон томонидан ҳукмронлигининг дастлабки йилларида лашкар ва амирларга инъом этилган беҳисоб бойликлар кейинчалик хазинанинг бўшаб қолишига олиб келди. Катта ҳадялар билан ушлаб турилган қўшин эса секин-аста парокандаликка юз тута бошладики, бунини биринчи бўлиб, ироқликлар бошлаб беришди.

Тўртинчидан, 1406 йилнинг охири ва 1407 йилнинг бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда қаттиқ қаҳатчилик юз берган эди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротдаги вазиятни бундай таърифлаган: “Ўша кунларда Хуросонда, хусусан Ҳирот шахрида, шундай

қаҳатчилик юз бердики, бирон тарихда бунга ўхшашидан нишон келтирилган эмас.; чунончи шаръий ўлчовда икки юз эллик мисқол (оғирлиги)га баробар бўлган бир ман буғдойнинг баҳоси икки мисқол зарб қилинган аъло сифат кумушга тўғри келадиган уч кабакий динорга етди. Ҳазрат ҳоқони Саид <Оллоҳнинг яратган бандаларига шафқат қилинсин> (деган ҳадис)нинг талабига мувофиқ буйруқ берди ва омборларни очиб, кишиларга бир ман ғаллани бир кабакий динордан сотдилар” [9:105]. Самарқандда эса вазият бундан ҳам оғир эди. Ибн Арабшоҳ ўша вақтда Самарқандда қаҳатчилик ва нарху наво қимматчилиги натижасида одамлар ўртасида тилло ва кумушдан қадрсиз нарса бўлмаганлигини таъкидлайди [8: 51]. Ушбу вазият ҳам хорижликларнинг ўз ватанларига қайтиш истагини кучайтирган. Уларнинг охириг катта кўчиши айнан шу қаҳатчилик бошланганидан сўнг, 1407 йилнинг бошларида содир бўлган.

Қора тоторлар ва ироқликларнинг ўз юртларига кўчиши қандай ҳолатда ва

шаклларда юз берганлиги, уни бошлаб берган шахс хусусида ибн Арабшоҳ қизиқарли маълумотлар берган: “Шу ҳолатлар асносида (баъзи) одамлар Самарқанддан тарқалиш ва тўзишга юз қўйиб, ҳар бир ғариб ўз Ватанини қўмсади, ўз кулбаси ва оиласини қидириб, баъзилар ижозат билан паноҳ тилаб, баъзилар қочиб, хуфёна ҳолда (кетиш) ҳаракатига тушдилар. Шом аҳли ичидан (Самарқанддан) кетишни истаб, ижозат сўраганлардан дастлабкиси шаҳид вазирнинг ўғли Шихобуддин Аҳмад бўлди. Кейин араблару аямлар тоифалари тўда-тўда бўлиниб, шарқу ғарб тарафларга тўзғиб кетдилар” [8: 51].

Умуман олганда, қора тоторлар ва ироқликларнинг ўз юртларига қайтиб кетишига Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий ва иқтисодий ҳаётга оид муаммолар ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу жараён Халил Султон томонидан бошқарувда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг натижаси сифатида ҳам юзага келган ва унинг давлатчилиги инқирозини тезлаштирган.

#### Адабиётлар:

1. Шарафиддин Али Ўзидий. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков, -Т.: Шарқ, 1997.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и(«Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т.: Ўзбекистон, 1996; Низомиддин Шомий. Зафарнома /Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и(«Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980.
4. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. К. I. –Т.: Меҳнат, 1991.
5. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Ҳ. Кароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри – Т.: Шарқ, 2001.
6. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр: археология, тарих, маданият / Э.В. Ртвеладзе, А.М. Атаходжаев, М.И. Филанович таҳрири остида. – Т.: Адабиёт учқунлари. 2018.
7. История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов. / Отв. редакторы: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Т.: Фан, 2017.
8. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. К. II. –Т.: Меҳнат, 1991.
9. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. Ж. II. Қ. I. 1405 – 1429 йил воқеалари. – Т.: O'zbekiston, 2008.

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).